БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 136 (18.314). • Жума, 1982 йил 11 июнь • Баҳоси 3 тийин.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Самарқанд области — область партия комитетининг секретари Р. С. Ашуралиев, область ижроия комитетининг раиси С. Ҳ. Ҳамроқулов, область комсомол комитетининг секретари А. Н. Носиров, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи У. Жуманов.

ГУЛЛА, ЯШНА, ҚАРДОШ ҚОЗОҒИСТОН!

ҚОЗОҒИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ҚОЗОҒИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини шонли юбилей — Қозоғистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 250 йиллиги ва республика Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан қизғин ва самимиядан қутлайдилар. Бу улкан байрамни қозоқ халқи билан бирга улуғ Ватанимизнинг барча кардош халқлари ҳам нишонламоқдалар.

Қозоқ ва рус халқларининг сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқалари бундан бир неча юз йиллар муқаддам бошланган. Россия билан мустаҳкам жипслашиш Қозоғистон тарихидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Уни ажнабий истилочиларнинг хонавайрон қилувчи ҳужумларидан қутқариб қолди, қозоқ халқининг миллий жипслашувини тезлаштирди, демократик рус маданияти ва революцион тафаккурининг оммалашувига ёрдам берди.

Қозоғистон меҳнаткашлари В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида чор самодержавиесига, маҳаллий феодалларга қарши, социалистик идеалларнинг тантанаси учун курашда Россия пролетариати билан бирга актив иштирок этдилар. Улуғ Октябрнинг ғалабаси қозоқ халқини жабр-зулм ва ҳуқуқсизликдан абадий халос қилди, унинг эллида социал тараққиёт, ўз миллий давлатини шакллантириш, экономика ва маданиятни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди.

Индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ленинча сиёсати, маданий революция амалга оширилганлиги, рус халқи ва СССРдаги бошқа халқларнинг бегараз ёрдами қозоқ халқининг социализм сари жадал қаракатини таъминлади. Қозоқ халқининг совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми принципларига асосийлиги Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида алоҳида куч билан намоён бўлди. Қозоғистон мамлакатнинг жуда муҳим аслаҳаналаридан бири бўлди. Республиканинг ўғил ва қизлари кардош халқлар билан бир сафда туриб фашист боскинчиларга қарши, Ватанимизнинг озодлиги, шонларафи ва мустақиллиги учун мардонавор жанг қилдилар.

Урушдан кейинги йилларда республика мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг, таркибий қисми бўлган ўз экономикасини юксак суръатлар билан ривожлантиришни таъминлади, ривожланган социалистик жамият барпо этишга салмоқли ҳисса қўшди. «Бугунги Қозоғистон, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — мамлакатнинг асосий ғалла конларидан биридир. У айни вақтда кўп тармоқли кудратли индустрия ўлкаси ҳамдир». Кудратли ёқилғи-энергетика комплекслари, кора ва рангли металлургия, машинасозлик ва химия саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳозирги Қозоғистон қиёфасини белгилаб бермоқда. Қаҳрамонона қўрик эпопеяси социалистик даврнинг буюк зафари, халқлар кардошларча ҳамкорлиги ва ҳамдўстлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Қозоғистоннинг миллиард пудлаб ғалласи, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ортиб бораётганлиги — республика меҳнаткашлари мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўшаёган катта ҳиссадир.

Қозоғистон меҳнаткашларининг моддий ва маданий турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда. Уй-жой қурилиши кенг кулоч ёйди. Шаҳарлар ва қишлоқ жойларда ҳар йили юзлаб мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар, касалхоналар, клублар, кинотеатрлар, спорт иншоотлари очилмоқда. Фан, маданият ва маориф янги чўккиларга кўтарилди.

Буларнинг ҳаммаси — социалистик тузум афзалликларининг, КПСС ленинча миллий сиёсати буюк ҳаётий кучининг яққол далили, совет халқлари марксизм-ленинизм принциплари асосида ягона қардошлик оиласида метиндек жипслашганликлари натижасидир.

Қозоғистон меҳнаткашлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида партия тарихий XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун сабот билан курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қозоғистон ССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга бундан буён ҳам ўзларининг бутун куч, билим ва ғайрат-шижоатларини сарфлайберадилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини коммунистик бунёдкорлик соҳасида янгидан янги ютуқлар билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, унинг меҳнатсевар, талантли халқи!

Яшасин барча халқларимизнинг улуғ Ватани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари олға!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**



Совет Қозоғистони йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ерда саноатнинг кўплаб тармоқлари вужудга келлпти. Суратларда: бир соатда 5 минг тонна кўмир қазиб оладиган ЭРШРД-5000 ротор комплекси ҳамда Жезқазғондаги кон-металлургия комбинатининг илгор бригадаси (ўртада бригада бошлиғи А. Бекматов) аъзолари.

ТАСС фотохроникаси.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Андижон областининг пиллачилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан руҳланиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг кулоч ёздирдилар ва давлатга пилла сотиш плани ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари, 10 июнда бажардилар.

Қабул пунктларига 4100 тоннадан кўп юқори сифатли қимматли хом ашё юборилди, ҳар қути уруғдан 80 килограмм пилла олинди. Тайёрланган жами пилланинг 93 процанти юқори сортлар билан топширилди.

Областнинг ҳамма районлари план ва социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшди. Москва, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Марҳамат, Избоскан, Пахтаобод районларининг хўжаликлари хом ашё сифати яхши бўлгани ҳолда мўл ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Хўжаобод районидаги А. Набиев номли, «Ленинград» колхозлари, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхози, «Комсомол» колхози, Жалолқудуқ районидаги «Пахтакор» колхози, Марҳамат районидаги Ильич номли колхоз, Балиқчи районидаги Куйбишев номли, «Правда» колхозлари, Москва районидаги Киров номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Олтинкўл районидаги Навоий номли колхозлар, Андижон районидаги «Иззестия», Пахтаобод районидаги «Маданият», Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозлари, Комсомолобод районидаги «Оқолтин», Бўз районидаги Энгельс номли колхозлар ҳар қути қурт уруғидан 85—95 килограмм юқори сифатли пилла олдилар

Мўл ҳосил олиш социалистик мусобақасининг ташаббускорлари — бригадирлар — Андижон районидаги Охунбобоев номли колхоздан Турсуной Аҳмедова, Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Мунаввар Бозорова, Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Мавлуда Султонова, бошқа ўнлаб илғорлар ҳар қути уруғдан 100 килограммдан кўп пилла олди.

Социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилиши колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари фидокорона меҳнатларининг, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишлари, қурт боқиш илғор методларини ишлаб чиқаришга кенг кўламда жорий этиш натижасидир.

Шу йилги ноқулай об-ҳаво шароитлари сабабли тут барги такчил бўлди. Шундай шароитларда областнинг бир қанча районларида мусобақадош кўпни Наманган ва Фарғона областларининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пиллачиларга катта ёрдам бердилар.

Пилла олиш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

Область хўжаликлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларига жавобан, ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна камида 500 тонна пилла сотишга қарор қилдилар.

Мусобақа таъсирчанлиги— муваффақият гарови

Тошкентда СССР Фанлар академияси ва ВЦСПС, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети социалистик мусобақа проблемалари билан шуғулланувчи илмий кенгашларининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда таниқли олимлар, касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, министрликлар ва идораларнинг, Москва, Урта Осиё республикалари, Қозоғистон ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, СССР Фанлар академияси ва ВЦСПС социалистик мусобақа проблемалари илмий кенгашининг раиси Е. И. Капустин, Қозоғистон ССР Фанлар академияси ва Қозоғистон касаба союзлари республика Советининг худди шундай илмий кенгаши раиси Т. А. Ашимбоев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Р. А. Убайдуллаева ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар КПСС XXVI съезди ва СССР касаба союзларининг XVII съезди қарорлари асосида социалистик мусобақани такомиллаштиришнинг актуал масалалари тўғрисида гапирдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида сўзлаган нуткида касаба союзлари, хўжалик органлари хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилашлари зарурлигини уқтириб ўтди. Мажлисда бу масалага алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда социалистик мусобақа самарадорлигини оширишга ҳамда Урта Осиё ва Қозоғистон шароитида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган тавсиялар қабул этилди.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРНИНГ БИОЛОГИК ҲИМОЯЧИСИ

Кейинги беш йилликда Ўзбекистон хўжаликларида ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан биологик ҳимоя этиш методларининг қўлланиш ҳажми ўн баравар кўпайди. Беш йиллик охиригача қариб уч ярим миллион гектар ерда ўсимликларни биологик ҳимоя этиш методлари қўлланилади.

10 июнь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида шу рақамлар ва фактлар келтирилди. Семинар кенгашда барча пахтакор республикалардан, шунингдек Россия Федерациясги, Украина, Молдавиядан келган олимлар ва мутахассислар қатнашмоқдалар. Программада биологик методлардан фойдаланиш тажрибаларини якунлаш, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида далалар ҳосилдорлигини оширувчи самарали йўл — ғўза ва бошқа экинларни ялпи ҳимоя этиш системасини такомиллаштириш мавзулари бор.

Семинар-кенгаш ишида «Союзсельхозхимия» бирлашмаси раисининг ўринбосари В. И. Мартиненко қатнашмоқда.

Семинар-кенгаш икки кун давом қилади.

(ЎзТАГ).

МОНГОЛИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, МХР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи Я. Загасбалдан Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У партиялар ўртасидаги алоқалар планига мувофиқ Совет Иттифоқига келган эди.

Я. Загасбалдан республика Марказий статистика бошқармасида ва Тошкент давлат университети ҳузуридаги иктимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида МХРда халқ хўжалигини ривожлантириш ва индустриалаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳақида лекциялар ўқиди.

Монголиядан келган меҳмон Фарғонада ва Андижонда бўлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Д. И. МАНГЕЛЬДИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон партия органларида узоқ йил самарали ишлеганлиги, алоқа воситаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Алоқа министрининг ўринбосари Ўртоқ Доннер Искандеревич **Мангельдинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқачи»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 9 июнь.

ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Навоий область партия конференциясидан

Ўзбекистон областлари чаманзорларида яна бир сержилло гулдаста пайдо бўлди. Бу Қизилқумнинг марказида ташкил этилган Навоий областидир. Кўпи кеча ана шу навқирон область партия ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Навоий области бўйича ташкилот бюроси раиси В. П. Есининг «КПСС XXVI съезди талаблари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонда бўлган чоғида берган кўрсатмалари асосида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришда область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги доклади тингланиб, муҳокама қилинди.

Қизилқум марказида янги область ташкил этилиши Зарафшон водийси меҳнаткашларининг ижодий куч-ғайратларини, ташаббускорлигини кучайтириб юборди. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, табиий ресурслардан фойдаланишни анча кенгайтириш имкониятларини очиб берди. Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, партиянинг Озиқ-овқат программасини қизғин қўллаб-қувватлаб, бу кенг кўламли тадбирларни мамлакатимиз иқтисодий потенциалини ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ленинча гамхўрликнинг янги ёрқин ифодаси, деб қабул қилдилар.

Конференция қатнашчилари Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Духанов, кон-металлургия комбинати директори А. Петров, Навоий қурилиш бошқармаси партия комитетининг секретари В. Балин ўртоқларининг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Зеро, область саноати беш йиллик планни муваффақиятли бажарди. Ленин ордени кон-металлургия комбинати коллективи СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб технология жараёнларини анча такомиллаштириш, янги автомат линияларини ишга туширишга эришилди. Корхонада маҳсулотнинг янги-янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг; электрохимия заводининг суръатлари ошмоқда. ГРЭС тўла қувват билан ишлай бошлади.

Конференцияда сўзга чиққан Хатирчи район партия комитетининг биринчи секретари Р. Маҳманов, Қизилтепадаги «Ленинград» колхозининг бригадири М. Шарипова, Навоий район партия комитетининг биринчи секретари Х. Зайниев ва бошқа ўртоқлар пахтачиликдаги илғор тажрибаларни кенг жорий этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Партия ишлаб чиққан Озиқ-овқат программасини изчил бажаришга навқирон область меҳнаткашлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга бел боғлаганлар, ўтган йилги натижалар ҳам шундан далолат бериб турибди. Ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида дон 1,4 марта, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 1,2 марта, гўшт, сут ва тухум етиштириш анча кўпайди. Балиқчилик, асаларичиликдаги силжишлар ҳам салмоқлидир.

Конференцияда янги областнинг ишлаб чиқариш кучларини янада тез суръатлар билан ривожлантиришнинг мавжуд резерзлари ҳақида партиявий принципиаллик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида фикрлашиб олинди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ишнинг аҳволини КПСС XXVI съезди талаблари, ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган чоғида берган кўрсатмалари асосида чуқур таҳлил қилдилар, мавжуд камчиликларни ошкора кўрсатиб, уларни бартараф этишга оид қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Бу жиҳатдан Зарафшон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Гаффоров, Хатирчидаги Ленин номли колхоз раиси Ж. Раҳмонов ўртоқларнинг нуткларидаги диққатга сазовор бўлди. Конференциядаги бу чукур таҳлил, принципиал анализ руҳи бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳали барча саноат корхоналари бир маромда ишлай олмаяпти. Қурилиш муддатлари кўзиб юбориляпти, ишлаб чиқариш қувватлари ҳамиша ҳам белгиланган муддатларда тўла ўзлаштириляпти, деб бўлмайди.

Конференцияда ишдаги шу каби нуқсонларга хотима бериш, қувватлардан тўла фойдаланиш билан бир вақтда коммунистларнинг авангардлигини ошириш, мутахассис кадрлар масъулиятини кучайтириш, ҳал қилувчи участкаларда партия қатламини мустаҳкамлаш вазифалари қўйилди. Партия комитетлари бу вазифаларни амалга оширишда жанговар штаб бўлиши лозимлиги уқтириб ўтилди.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар капитал қурилишдаги нуқсонларни изчиллик билан тугатиш, қурилиш механизмларидан ва материаллардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини тез суръатлар билан ривожлантириш зарур эканлигини кўрсатиб ўтишди. Бу соҳада камчилик ва нуқсонлар ози эмас. Чуночи, «Навоазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган беш йилликда 38 миллион сўмлик электрохимия заводида 20 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Асосий фондларни ишга тушириш плани бор-йўғи 46 процент бажарилди. Бу қониқарли ҳол эмас, албатта.

Область қурилишларида шу йилнинг ўзида 260 миллион сўм ўзлаштирилиши, 180 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. 100 минг квадрат метрга якин уй жой фойдаланишга топширилиши зарур. Бу — жуда катта вазифа, уни муваффақиятли бажариш партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик органларидан жуда катта куч-ғайрат сарфлашни, қурилиш самарадорлигини ошириш учун барча резервларни ишга солишни, қурувчиларни тез ва соз, сифатли ва самарали меҳнат қилишга сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Конференцияда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган резервларга алоҳида эътибор берилди. Чуночи, Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа районларининг баъзи хўжаликларида пахтадан жуда паст ҳосил олинмоқда. Қизилтепада ҳар бир килограмм азот, ҳисобига пахта етиштириш 12—14 килограммдан ошмаяпти. Алмашлаб экишни тўла жорий этиш, химия ва механизация воситаларидан оқилона фойдаланиш, фан тараққиётини жадаллаштириш асосида Тошкент технологиясига ўтиш пахтачиликнинг ойдин йўли эканлиги алоҳида уқтирилди.

Область ирригаторлари ва мелиораторлари олдида ғоят муҳим вазифалар турибди. Кейинги йилларда Ўртачўл — Навоий канали қурилади. Хўжаликларда коллектор, дренаж тармоқлари кенгайтирилмоқда. Янги ерлар жадал ўзлаштирилмоқда. Уларнинг ҳаммаси, — деб таъкидланди конференцияда, — шу йилнинг ўзида «оқ олтин» етиштиришни 240 минг тониага етказиш имконини яратмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари айниқса катта. Нуротадаги Ленин номли совхоз бош чўпони Ч. Хўжакулов, Томди район партия комитетининг биринчи секретари А. Елемесов, Конимехдаги «Партия XXV съезди» совхозининг директори А. Нуров ва бошқа нотиқлар бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишди.

Область чорвадорлари шу йилнинг ўзидаёқ 23 минг тонна гўшт, 24 минг тонна сут, 96 миллион дона тухум етказиб беришлари керак. Келгусида эса бу кўрсаткичлар яна ҳам жадал ўсиб бориши таъминланади. Хўш, бунинг учун нималар қилмоқ лозим? Бу вазифани изчиллик, омилкорлик билан ҳал этиш учун, корамоллар сонини кўпайтириш, наслчилик ишини илмий асосда йўлга қўйиш, зооветеринария хизматини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачиликда механизацияни кенг жорий этиш керак.

Гўшт етиштиришда қўйчиликнинг салмоғи 60 процентни ташкил этади. Областда бу тармоқни кескин ривожлантиришда жуда катта резерв мавжуд. Конференцияда бир рақам тилга олинди. — 1985 йилга бориб қўй-қўзилар 2,5—3 миллион бошга етказилади. Ўртачўл чорвачиликнинг йирик озуқа базасига айлантирилади.

Янги область олдида турган бекиёс, кенг кўламдаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, унинг ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш бутун сиёсий, ташкилотчилик, партиявий-ташкилий ишларни пухта яхшилашни тақозо этади. Областда 2 шаҳар, 8 район партия комитети иш олиб бормоқда. 633 бошланғич, 982 цех партия ташкилоти, 588 партия группаси меҳнаткашларга бошчилик қилиб, план ва топшириқларни муддатидан олдин бажариш, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга сафарбар этмоқда.

Конференцияда область олдида турган жанговар вазифаларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга катта эътибор берилди. Социалистик мусобақани янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми ҳужжатларини, СССР Озиқ-овқат программасини кенг жорий этиш керак.

Конференцияда области ҳақида ташкилий ва ҳамдўстлик ҳақида сўзлаган нотиқлар бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Область ҳаётидаги ҳамма муҳим масалалар, Навоий области партия комитетининг ишлари ҳақидаги ҳисобот ва доклад ҳақидаги қарорлар ҳамма иштирокчиларнинг ҳаяжонли, ҳаракатчан, ҳамжиҳатлик руҳидаги ҳаракатлари ва ҳаётий ҳулосалари ва

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЙ (1982 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

СИФАТ ҚАНЧА ЮҚОРИ БЎЛСА

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қишлоқ экономикасини ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлик даражасини оширишнинг яқин ўн йилдаги аниқ ва равшан истиқболларини белгилаб берди. Озиқ-овқат программасида хўжалик юритишнинг интенсив методларига ўтишда туб бурилиш ясашни таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ердан, ишлаб чиқариш қувватларидан, меҳнат, материал ва молиявий ресурслардан, барча мавжуд резервлардан яхши фойдаланиш кўзда тутилган.

Пленум қарорларида таъкидланганидек, бугунги кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, агросаноат комплекси барча тармоқларининг самарадорлигини кескин ошириш кенг қамровли вазифалардан биридир. Эндиликда бутун диққат-эътибор капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини ўстириш, агросаноат комплекси барча тармоқлари билан алоқаларни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилмоқда. Бу, 80-йиллар аграр сиёсатининг ўзига хос хусусиятидир.

Озиқ-овқат программаси билан таниша экамиз, бехиётер ўйга толаман: ишлаб чиқаришга сарф этилган ҳар бир сўмдан қандай қилиб кўпроқ фойда олишга эришиш кераклиги хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларидан қайси биримизни ташвишга солмаган.

Яна қишлоқ хўжалигини юксалтириш, унинг экономикасини мустаҳкамлаш йўллари кўрсатиб берилган Озиқ-овқат программаси сатрларига қайтаман. Партия меҳнат унумдорлигини ошириш, иктисод ва тежамкорлик, маҳсулот таннархини пасайтириш, хўжаликлараро ва ихтисослашган хўжаликлар ва ихтисослашган корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ер ва сувдан самарали фойдаланиш, ер унумдорлигини ош

СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТ ДЕМОКРАТИЯСИ

Бутун мамлакатимиз халқ депутатлари маҳаллий Советларига навбатдаги сайловга ва район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьяларини сайлашга тайёргарлик кенг миқёсда ўтказилмоқда. Сайлов куни 1982 йил 20 июнга тайинланган.

Бўлажак сайлов жуда катта давлат аҳамиятига эгадир. Сайловга тайёргарлик КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун сабот билан курашаётган совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтмоқда. Барча совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги докладини завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

51 мингтадан кўпроқ маҳаллий Советга, шу жумладан: 6 та ўлка, 123 та область Советига, 8 та автоном область Советига, 10 та автоном округ Советига, 5,8 мингта район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советига ҳамда 45 мингта посёлка ва кишлоқ Советига сайлов ўтказилади.

Мамлакатда маҳаллий Советларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар ўтказилиб бўлди. Йиғилишлар баланд руҳ билан ўтиб, коммунистлар билан партиясизлар блокининг бузилмас бирлигини, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаб маъқуллаётганликларини, совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашганлигини намойиш этди. Тепилган сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги қонунларга белгиланган муддатларда депутатликка номзодларни рўйхатга олди.

Илғор ишчилар ва колхозчилар, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ва раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, фан ва маданият намояндалари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг ҳарбий хизматчилари маҳаллий Советларнинг депутатлигига номзодлардир.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялигига 10 мингдан кўпроқ номзод кўрсатилди ва рўйхатга олинди. Бу судларга сайлов биринчи марта иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари 1981 йилда қабул килган янги қонунлар асосида ўтказилмоқда. Мамлакатда жами 4276 халқ суди сайланиши лозим. Халқ судьялари сайлови учун ўн мингтадан кўпроқ сайлов округи тузилди.

Жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакилларидан тузилган сайлов комиссиялари халқ депутатлари Советларига сайлов ва халқ судьялари сайлови ўтказилишини таъминлайди. Мамлакатда 940 мингтадан кўпроқ сайлов комиссияси тузилган, уларнинг составига 8,5 миллиондан ортиқ киши киради.

Комиссиялар аъзоларининг 58 проценти ишчилар ва колхозчилардан, 50 проценти хотин-кизлардан, 32 проценти 30 ёшга етмаган ёшлар ва ёшлардан, 59 проценти партиясизлардан иборат. 460 минг комиссиянинг раиси ишчи ва колхозчилардир.

Сайлов ўтказиш ва овозларни санаш учун шаҳарларда, посёлкаларда, кишлоқларда ва бошқа аҳоли пунктларида 174 мингтадан зиёд сайлов участкаси тузилган. Санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, ҳарбий қисмларда, йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда, денгиз ва дарё портларида, қутб станцияларида ва сайлов куни сафарда, бўладиган кемаларда ҳам сайлов участкалари тузилмоқда.

Сайлов участкалари, участка комиссиялари ва сайловчиларнинг рўйхатлари маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш учун ҳам, шунингдек халқ судьяларини сайлаш учун ҳам умумий бўлади.

Ҳозирги вақтда сайловчиларнинг депутатликка ва район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялигига кўрсатилган номзодлар билан учрашувларига бағишланган йиғилишлари ўтказилмоқда. Сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамманинг танишиб чиқиши учун илиб қўйилган. Сайлов бюллетенларини тайёрлаш тугалланмоқда.

Партия органлари раҳбарлигида ташкилий ва агитация-пропаганда иши фаол олиб борилмоқда. Минглаб агитаторлар, пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилар сайловчилар ҳузурида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми якунлари тўғрисида, совет сайлов системасининг демократик принциплари ҳақида суҳбатлар ва лекциялар ўтказмоқдалар.

Сайловга тайёргарлик ишлари белгиланган муддатларда. СССР Конституцияси, иттифоқдош, автоном республикаларнинг Конституциялари талабларига ва сайлов тўғрисидаги қонунларга аниқ мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Навбатдаги сайлов социалистик демократия принципларининг тантаснни яна намойиш этиши, партия билан халқ бирлигини, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат килиши шубҳасиз.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада медицина фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва Врачлар малакасини ошириш Тошкент институтининг 50 йиллиги муносабати билан рентгенология ва медицина радиологияси кафедрасининг мудири Абдухалил **Мансуров** ва терапия кафедрасининг мудири Манзура Ҳамидовна **Ҳамидова** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми биология фанини ривожлантириш, малакали педагог кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент область давлат педагогика институти ректори, биология фанлари доктори, профессор Салима **Асқарова**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигида кўп йил самарали ишлагаллиги, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун, шунингдек туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Фарғона область Фарғона районидаги Ленин номли колхоз раиси ўртоқ Машраб **Эгамбердиев**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетасининг Хоразм области бўйича ўз мухбири ўртоқ Константин Владимирович **Циканович** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

9 июнь куни Андижонда Бутуниттифоқ даволаш физкультураси ва спорт медицинаси илмий жамияти ҳамда СССР Спорт комитети ва Узбекистон ССР Спорт комитети илмий-методик кенгашларининг бирлашган пленуми очилди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спорт оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори мукобати билан спорт медицинасининг вазифаларини муҳокама қиладилар, область спорт ташкилотларининг иш тажрибаси билан танишадилар. Пленум ишида Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Тошкент ва мамлакат бошқа шаҳарларининг таниқли олимлари иштирок этмоқдалар. (ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги шаҳар ва районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Наманган шаҳри — шаҳар партия комитетининг секретари Г. Т. Тожибоев, шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Ҳамидов, шаҳар комсомол комитетининг секретари И. Санжаров, пиллачилик агрономи С. Кўпайсинов;

Бухоро шаҳри — шаҳар партия комитетининг секретари Х. Б. Жамолов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. К. Султонов, шаҳар комсомол комитетининг секретари О. Б. Неъматова, пиллачилик катта агрономи К. Ёвқочтиев;

Хўжайли райони — район партия комитетининг секретари П. Холмуродов, район ижроия комитетининг раиси Д. Файзуллаев, район комсомол комитетининг секретари П. Б. Авезжонов, бош пиллахона директори Е. Матсапоева;

Гулистон райони — район партия комитетининг секретари М. Шукуров, район ижроия комитетининг раиси М. А. Маманов, район комсомол комитетининг секретари С. Т. Тоштемирова, бош пиллахона директори В. А. Марииничева;

Ильич райони — район партия комитетининг секретари С. Ю. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси Б. С. Мамадалиев, район комсомол комитетининг секретари Р. Э. Элтоев, пиллачилик катта агрономи А. Султонов;

Ворошилов райони — район партия комитетининг секретари Р. Хотамов, район ижроия комитетининг раиси Ю. Йўлдошев, район комсомол комитетининг секретари Х. Ш. Маматқулов, бош пиллахона директори Ш. Р. Сатторов;

Боёвут райони — район партия комитетининг секретари А. Турдиқулов, район ижроия комитетининг раиси Х. Искаков, район комсомол комитетининг секретари А. А. Алимов, бош пиллахона директори М. Худойшукуров;

Риштон райони — район партия комитетининг секретари О. Собиров, район ижроия комитетининг раиси Х. Одилов, район комсомол комитетининг секретари А. Қурбонов, бош пиллахона директори Н. Шергозиев;

Тошлоқ райони — район партия комитетининг секретари А. Хўжаев, район ижроия комитетининг раиси А. Хожимуродов, район комсомол комитетининг секретари И. Содиқов, бош пиллахона директори Р. Кодиров;

Косонсой райони — район партия комитетининг секретари С. Каримов, район ижроия комитетининг раиси А. Болтихўжаев, район комсомол комитетининг секретари Х. Абдуллаев, бош пиллахона директори А. Отамирзаев;

Учқўрғон райони — район партия комитетининг секретари Ю. Қўлдошев, район ижроия комитетининг раиси М. А. Мирзабоев, район комсомол комитетининг секретари А. Паттаев, бош пиллахона директори М. Тўхтахўжаев;

Амударё райони — район партия комитетининг секретари Н. Қурбонбоев, район ижроия комитетининг раиси Б. Қурбонниёзов, район комсомол комитетининг секретари А. Тожимуродов, бош пиллахона директори Ш. Пиримбетова;

Ёзёвон райони — район партия комитетининг секретари Р. Сафаров, район ижроия комитетининг раиси А. Г. Хайриддинов, район комсомол комитетининг секретари А. Г. Низомов, бош пиллахона директори Т. Исабоев;

Паркент райони — район партия комитетининг секретари Х. А. Аҳмедов, район ижроия комитетининг раиси А. И. Иқматов, район комсомол комитетининг секретари Х. Д. Ирматов, бош пиллахона директори З. Йўлдошев.

Лениноб райони — район партия комитетининг секретари Я. Р. Қурбонов, район ижроия комитетининг раиси А. Полвонниёзов, район комсомол комитетининг секретари М. Реймбоев, бош пиллахона директори О. Аташева;

Нукус райони — район партия комитетининг секретари Ю. И. Полвонниёзов, район ижроия комитетининг раиси П. Темирхонова, район комсомол комитетининг секретари А. К. Соатдинов, бош пиллахона директори Ш. Ералиева;

Кегайли райони — район партия комитетининг секретари Н. Қўйлибоев, район ижроия комитетининг раиси М. К. Юсупов, район комсомол комитетининг секретари М. Аметов, бош пиллахона директори Б. Сапарова;

Бўз райони — район партия комитетининг секретари А. Раҳимов, район ижроия комитетининг раиси А. Сатторов, район комсомол комитетининг секретари А. М. Холматов, бош пиллахона директори А. Бакиров.

Чуст райони — район партия комитетининг секретари Э. Дадабоев, район ижроия комитетининг раиси Э. Пошшахўжаев, район комсомол комитетининг секретари М. Т. Бобоев, бош пиллахона директори И. Ҳакимов;

Тўрақўрғон райони — район партия комитетининг секретари К. Раимжонов, район ижроия комитетининг раиси А. Иброҳимов, район комсомол комитетининг секретари У. Саидмуродов, бош пиллахона директори А. Киргизов.

Шаҳрисабз райони — район партия комитетининг секретари Н. Ҳикматов, район ижроия комитетининг раиси М. Муҳаммадиев, район комсомол комитетининг секретари Б. Болтаев, бош пиллахона директори К. Усмонов.

Қўқдала райони — район ижроия комитетининг раиси Х. Фармонов, бош пиллахона директори Б. Йўлдошев.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

БОЛГАРИЯ. «Козлодуй» атом электростанциясининг умумий кўриниши. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикаси КПССнинг XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев илгари сурган тинчликсеварлик таклифларини тўла қўллаб-қувватлайди ва қизғин маъқуллайди. Бу ташаббуслар Совет Иттифоқининг эзгу ирода сини кўрсатувчи ёрқин далил, унинг тинчликка, ядро урушининг олдини олишга сўзсиз интилаётганлигининг ифодасидир, деди Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР ташқи ишлар министри Хун Сен.

МАДРИД. Испаниянинг демократик кучлари мамлакатнинг НАТОга киришга қарши кучли намойиш ва норозилик митингларини ўтказмоқдалар. Мадридда ва Барселонада бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинг иштирокчилари мамлакатнинг Шимолий Атлантика блокига қўшилишига қатъиян қарши эканликларини билдирдилар.

ҚУВАЙТ. Саудия Арабистони халқаро жамиятга мурожаат қилиб, Исроилнинг Ливанга қарши агрессиясини тўхтатиш учун дарҳол барча зарур чораларни кўришга чақирди. (ТАСС).

ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXXVI мажлиси

Қардош мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасининг қоидаларини амалга ошириб, иқтисодий ва илмий-техник потенциални кучайтирмоқдалар. Беш йиллик планлари топшириқларини изчиллик билан бажармоқдалар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 8 июнь куни Венгрия пойтахти — Будапештда очилган XXXVI мажлиси қатнашчилари ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Мажлисда ҳукумат бошлиқлари қатнашмоқдалар. Сессия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва ЮСФР делегацияларидан ташқари, бир қанча ривожланаётган мамлакатлар делегациялари кузатувчилар сифатида иштирок этмоқдалар.

ВХР Министрлар Советининг раиси Д. Лазар мажлисни очиб, сессия қатнашчиларини самимий табриклади.

Сессия ўзининг XXXVI мажлиси кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXXV ва XXXVI мажлислар ўртасидаги фаолияти тўғрисида кенгаш ижроия комитетининг доклади тингланди.

Мажлис иштирокчиларига атом электр станциялари учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш ва ўзаро етказиб беришни кўп томонлама халқаро ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисида 1981—1990 йилларга мўлжалланган битим қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклад тақдим этилди.

Шундан кейинги доклад Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар 1986—1990 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш программаси лойиҳасига бағишланди. Шу докладда 1981—1985 йилларга мўлжалланган планларни мувофиқлаштириш доирасида келишиб олинган ҳамкорлик тадбирлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг қўшимча имкониятлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Сўнгра Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида микропроцесс техникасини ривожлантириш ва ундан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликнинг 1982—1990 йилларга мўлжалланган программаси лойиҳаси тўғрисидаги доклад тақдим этилди.

Ялпи мажлисда тақдим этилган докладлар муҳокама қилина бошланди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов сессияда нутқ сўзлади. Бу галги сессияда, деди у, мамлакатларимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокама қилинмоқда. Келгуси беш йилликдаги халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш тартиби, техник жиҳатдан илғор баъзи тармоқлардаги ўзаро ҳаракатларимизни ташкил этиш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши органларининг ўтган йилги якунларини эътиборга олиб, келгуси даврдаги вазифалари шу масалалар жумласига киради. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Ижроия Комитетининг докладида уқтириб ўтилганидек, хўжаликни ривожлантириш шароитлари мураккаблашганига қарамай, қардош мамлакатлар социалистик экономиканинг афзалликларига таяниб ва ўзаро ҳамкорлик манфаатларидан фойдаланиб, беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини асосан бажардилар. Мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг ва ўзаро ҳамкорликнинг якунларига ижроия комитет докладида берилган баҳога қўшиламиз.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг ёқилғи ва хом ашё, машина ва асбоб-ускуналарга бўлган импорт қилиш эҳтиёжларининг кўпчилик қисми социалистик бозор ҳисобига қондирилаётганлигида ҳамкорлигимизнинг ҳаётий муҳимлиги яққол тасдиқлаимоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ташқи савдо товар оборотида ўзаро алмашишнинг улуши ўтган йили кўпайиб, қариб 55 процентни ташкил этди. Империализм социализм кучларига қарши ошкора ҳужумга ўтиб, унинг иқтисодий қудратига путур етказишга уринаётган ҳозирги вақтда бу нарса, айниқса, муҳимдир.

80-йилларнинг бошларидан капиталистик дунёнинг биз дниятлари жуда кескинлашди, халқаро вазият ёмонлашди. Қўшма Штатлар муҳолифлик йўлига ўтиб олди, ўз иттифоқчиларининг сиёсатини ўз мақсадларига бўйсундиришга, ривожланаётган мамлакатларнинг экономикасини ва социал структураларини ўз эҳтиёжларига мослаштиришга уринмоқда. АҚШ ва НАТОдаги баъзи мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ўз манфаатларини кўзлаб, кескинликни юмшатиш жараёнини қурбон қилишга тайёр бўлиб турибдилар. Империализм халқаро кескинликни кучайтириб, қуролланиш пойгасини авж олдириб, ҳарбий соҳадаги мавжуд тахминий тенгликни ўз фойдасига ўзгартиришга урниб, шу тарика ялпи тинчликка хавф солмоқда. Мана шундай мураккаб шароитда Совет Иттифоқи принципиал тинчликсеварлик сиёсатини изчиллик билан давом эттириб, КПСС XXVI съездида қабул қилинган Тинчлик программасини амалга оширишга интилмоқда. Барча қардош мамлакатлар бу йўлга қўшилиб, уни қўллаб-қувватлаётганликларини биз юксак қадрлаймиз. Европадаги ядро қуролларни қисқартириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг яқинда сўзлаган нутқларида баён этиб берилган янги совет ташаббусларини илғор жамоатчилик кенг миқёсда қўллаб-қувватлади. Совет Иттифоқи ўзининг ҳарбий қудратини оширишдан манфаатдор эмаслигини яна бир бор тасдиқлади. Аммо биз СССРдан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлар беҳуда эканини аниқ равшан қилиб айтмоқдамиз.

АҚШда ва НАТОнинг бир қанча мамлакатларида милитаристик жазава кучайтирилаётган бир вақтда социализм мамлакатларига зўравонлик билан иқтисодий тазйиқ қилишга уриниб кўрилмоқда. Хельсинки Актининг қоидаларига хилоф равишда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларига экспортни чеклайдиган ва бизнинг молларимизни Ғарбга сотишни қийинлаштирадиган камситувчилик чоралари кўрилмоқда, таркиб топган савдо ва фан-техника соҳасидаги алоқалар бирёқлама тарзда тўхтатиб қўйилмоқда. Уларнинг мақсади равшан: бизнинг халқ хўжалигимизга путур етказишни, иқтисодий турмушни изданчиқаришни ва оқибат натижада социализм мамлакатларининг бирлигини бўшаштиришни, сиёсий ёнберишларга эришишни кўзламоқдалар.

Социализмга қарши бундай ғаламисликлар илгари ҳам қилинганини ва доимо мағлубиятга учраганини эслатиб ўтиш ўринлидир. СССР ва қардош мамлакатлар ихтиёрида империалист кучларнинг кирдикорларига биргаликда қарши туриш учун етарли иқтисодий қудрат бор. Вашингтоннинг иқтисодий система мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни барбод қилиш йўли капиталистик экономиканинг ўз ичидаги зиддиятларни кучайтириши мумкин, ҳолос, чунки бу йўл жаҳон хўжалигининг ривожланиш тенденцияларига зид бўлиб тушмоқда.

Ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам Ғарб билан тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тайёр. Аммо биз ташқи иқтисодий сиёсатимизни белгилаганимизда АҚШ ва Америка маъмурияти билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган мамлакатлар савдо-сотиқ соҳасида биз учун бетайин шериклар бўлиб қолаётганликларини эътиборга олмаслигимиз мумкин эмас. Албатта Халқаро савдо-сотиқнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган, уни сиёсий лўтфи боэлик қуролига айлантиришга уринаётган кимсалар, ўзлари чув тушиб қолмасмикинлар, шуни бир ўйлаб кўрсалар бўлур эди.

Сўнгги йилларнинг тажрибаси социализм мамлакатларини тағин ҳам кўпроқ жипсликка интилишга, ўзларининг техникавий-иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга ундамоқда. Бу ўринда биз жаҳон хўжалигидан яккаланишга ва мухолифликни кучайтиришга олиб борадиган жипслик тўғрисида гапираётганимиз йўқ. Биз камситиш ва зўравонлик сиёсатини ўтказиш йўлидаги уринишларга жавобан мустаҳкам ва тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни таъминлайдиган жипслик тўғрисида гапиряпмиз.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг янада мустаҳкам иқтисодий бирликка бўлган эҳтиёжини ташқи сабабларгина тақозо этаётгани йўқ, албатта. Аввало, бу эҳтиёж халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни жадаллаштириш заруратидан келиб чиқмоқда.

Биз планларни кўп томонлама асосда мувофиқлаштиришга алоҳида аҳамият берямиз, деб таъкидлади СССР Министрлар Советининг Раиси. Бундай мувофиқлаштириш планлаштириладиган келгуси даврдаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши ва бутун ҳамдўстлик учун умумий бўлган вазифаларни ҳал этиш йўлини топишга ёрдам бериши керак.

Мувофиқлаштиришни шундай олиб бориш керакки, у бевосита ишлаб чиқаришга — халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришга, мамлакатларимизни ёқилғи, ем ашё, озиқ-овқат билан таъминлашга, ресурсларни тежайдиган техника ишлаб чиқаришни ташкил этишга, кўп энергия талаб қилалиган ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштиришга таъсир қиладиган бўлсин. Бу соҳаларда бизнинг узоқ муддатли тармоқ ҳамкорлик программаларимиз бор.

Мамлакатларимизда ўзаро қизиқиш уйғотувчи соҳалардаги қувватларни вужудга келтириш ёки ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни келишиб олиш планларни мувофиқлаштиришнинг ҳал қилувчи бўғини бўлиб қолиши лозим. Бу эса мамлакатларнинг у ёки бу турдаги асбоб-ускуналар, материаллар ва ем ашёга бўлган эҳтиёжларини жуда тўла-тўкис қондириш тадбирлари тўғрисида, биноларин эса, ўзаро савдо-сотиқни янада кўпайтириш тадбирлари ҳақида бир битимга келиш имконини беради.

Бутун қуч-қувватни фан-техника тараққиётининг энг асосий йўналишларига жамлаш, энергия, материал ва меҳнатни тежайдиган техника, автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини электроникининг энг янги ютуқлари негизида ишлаб чиқариш учун илмий-техник жиҳатдан замин яратиб қўйиш ҳозирги шароитда энг муҳим ишдир.

Жумладан, микропроцесс техникаси соҳасида ҳамкорлик қилишнинг бизнинг муҳокамамизга тақдим этилган программаси, шунингдек микропроцессорлар, саноат робот техникаси, микроэлектроникани ривожлантириш соҳасида имзоланиши мўлжалланаётган битимлар бу ишга яхши асос солади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фан-техника ҳамкорлиги комитети программа лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ўтказган ишни совет томони ижобий баҳолайди ва тақдим этилган битимларни имзолашга тайёр.

Саноат роботлари ва уларнинг компонентларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперацияни йўлга қўйиш ҳам жуда муҳимдир. Тузилаётган бош битимга биноан бу соҳада ягона техника сиёсатини ишлаб чиқиш, кенг миқёсда унификациялаш ва стандартлашни амалга ошириш зарур бўлур эди.

Ёқилғи-хом ашё проблемасининг ҳал этилиши ҳам замонавий техника ва технологияни жорий этишга жуда яқиндан боғлиқдир.

Энергия ва хом ашёни тежаш учун ҳозирча, асосан сарфлаш нормасини чеклаш, хўжасизликка қарши кураш сингари резерлардан фойдаланилмоқда. Келгусидаги асосий йўналиш эса энергияни тежайдиган машина ва ускуналарни яратиш ва кенг миқёсда қўлланишдан, уларни ихтисослаштирилган тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат эканини ҳаммамиз тушуниб турибмиз.

Ёқилғи, энергия ва хом ашёдан оқилона фойдаланишга оид масалаларни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифни совет томони қўллаб-қувватлайди.

Биз ҳамдўстликда электр энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш истиқболлари атом энергетикасини ривожлантириш билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида машина-ускуналар ишлаб чиқариш ва етказиб беришда ҳамкорлик қилиш асосида атом электр станциялари қурилишига катта аҳамият берямиз. Биз ҳукуматларо комиссия таклиф этган ҳамкорлик тадбирларига рози эканимизни билдирамиз.

Сизларга маълумки, КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми мамлакатимиздаги агросаноат комплексини янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқди ва Озиқ-овқат программасини тасдиқлади. Бу программада белгиланган мақсадларга асосан ички ресурсларни ишга солиш ҳисобига эришиш планлаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ва озиқ-овқат саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, бунинг учун биз келгуси беш йилликда ҳам шу тармоқларга капитал маблағ сарфлашнинг юқори даражасини сақлаб қоламиз. Ишлаб чиқаришни планлаштириш, бошқариш ва иқтисодий рағбатлантириш механизми яхшиланади.

Биз ўз имкониятларимиздан иложи борича кўпроқ фойдаланиш билан бирга Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга кўмаклашишидан умидвормиз.

Озодликка чиққан давлатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи амалий тадбирларимиз ҳозирги пайтда АҚШ ва унинг иттифоқчилари ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий экспансияни кучайтираётган бир пайтда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Биз социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар билан кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор бериш, маданиятдор мамлакатларни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятига жалб этишга кўмаклашиш, шу тарика уларнинг кенгаш ишидан аста-секин хабардор бўлиб боришларига, социалистик ҳамдўстлик билан ўз иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашларига кўмаклашиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Социалистик экономика олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди, деди сўзининг охирида Н. А. Тихонов. Ушбу сессия қабул қилиган қарорлар шу вазифаларнинг бажарилишига ёрдам беради. Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, социалистик интеграциянинг ривожлантириш халқларимизнинг бахт-саодати, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида социалистик хўжалигининг бундан буёнги муваффақиятлари учун ишончли йўл очади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг мажлиси ўз ишини давом эттирмоқда.

В. ПЕТРУНЯ,
Е. ПОПОВ,
ТАСС махсус мухбирлари.

*

БУДАПЕШТ, 9 июнь. (ТАСС). Социал-иқтисодий ривожланишнинг, халқаро сиёсатнинг барча энг муҳим проблемалари юзасидан фикрларнинг принципиал бирлиги ва ҳамжиҳатлик Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг муносабатларида ўзгармас реал ҳол бўлиб қолди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг бу ерда ўтаётган XXXVI мажлисида бу нарса яна тасдиқланмоқда.

Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш вазифаларини муҳокама қилиш чоғида сўзга чиқаётган ҳукумат бошлиқлари ўтган йил Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалининг сифат даражаси ошганлигини қайд этмоқдалар.

Мажлисда таъкидлаб ўтилаётганидек, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар интеграция алоқаларини социалистик интернационализм принциплари руҳида ривожлантириб ва чуқурлаштирибориб, саноатни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, иқтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат мураккаб проблемаларни изчиллик билан ҳал этмоқдалар. 1981 йилда шу мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида миллий даромад ошди, саноат ишлаб чиқаришн ўсди.

Мажлисда шу нарса қайд этилмоқдаки, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг экономикаси ва ҳамкорлиги ривожланаётганлиги сиёсий ҳамда иқтисодий йўлнинг, қардош давлатларда бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларнинг съездларида - халқаро мунасабатларнинг истиқболига бериган баҳосининг илмий асосланганлигини, тўғрилигини тасдиқлади.

Планлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик — куч-қувватларни бирлаштиришнинг ғоят муҳим жиҳатларидан биридир. Шу беш йилликдаги халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилди.

Бугун сессияда делегацилар бошлиқларининг мажлиси бўлди. Мажлисда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Редакциси комиссия ишга киришди. Бу комиссия сессия ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

«Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунлари

ИЖОДИЙ КЕЧА

9 июнь куни республика Кино уйида «Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунлари қатнашчилари — Москва танқиди адибларининг Тошкент жамоатчилиги вакиллари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувга ойлик машҳур журналининг доимий ўқувчилари келишди. Журнал кунларининг ўзи каби бу ижодий учрашув ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Суҳбатнинг асосий мавзуи ҳам совет халқининг буюк бирдамлиги, адабиётнинг интернационаллиги, ёзувчининг КПСС XXVI съезди белгилаб берган коммунистик бунёдкорлик ишидаги масъулияти ролига бағишланди.

Учрашувни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов очди. У «Новий мир» журнали республика журналхонлари орасида зўр эътибор қозониб, уларнинг энг севимли нашрларидан бирига айланди, деб таъкидлади. Журнал саҳифаларида совет кишилари — янги жамият бунёдкорларининг қаҳрамонона ишларини, уларнинг планетада тинчлик учун, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашини акс эттирувчи юксак бадиий асарлар босилмоқда. Леонид Ильич Брежневнинг эҳтиросли партия публицистик асарлар намунаси бўлган китоблари бу журналда биринчи марта эълон қилинди.

«Новий мир» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов журналнинг вазифалари, ижодий режалари ҳақида гапириб берди. У хўжалик, илмий ва маданий фаолиятнинг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бу йилги учрашув ёзувчилар учун ажойиб ижодий илҳом манбаига айланади, бўлажак асарлар учун яхши материаллар беради, деб таъкидлади. Биз доимо республика меҳнаткашларининг шарафли ишларини ҳаяжон билан кузатамиз, пахтакорларнинг долзарб мавсуми бошланганида — бизнинг ҳам ишимизда долзарб кунлар бошланади, деди адиб. Шунинг учун ҳам журнал саҳифаларида Ўзбекистонлик шоир, ёзувчи, публицистларнинг асарлари пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир.

Кечада СССР Давлат мукофотининг лауреати А. А. Вознесенский, «Новий мир» бош редакторининг ўринбосари М. Д. Львов шеърлари янгради, шеърларни авторларнинг ўзлари ўқидилар. Шоирлар, прозаик В. В. Орлов Совет Ўзбекистони ишчилари, деҳқонлари — барча меҳнаткашлари билан учрашувлар қувончи ҳақида гапириб ўтдилар. Бу ерда, суҳбатлар, дейишди нотиқлар, миллий адабиётларни ўзаро бойитиш каби олижаноб ишга хизмат қилиб, ҳаётни янада чуқурроқ билиш, шарафли меҳнати билан бутун мамлакатга машҳур бўлган кишилар билан, янги ёзилган асарларнинг қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Шаҳар меҳнат коллективларининг вакиллари, республика адиблари — Ўзбекистон халқ ёзувчилари Р. Файзий, Н. С. Сафаров, «Ташсельмаш» заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мўйдинов, ёзувчи О. Ёқубов, шоира Г. Нуруллаева «Новий мир» журналининг Ўзбекистондаги кунлари ўзбек совет адабиётини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини гапириб ўтдилар. Бу журнал ҳақиқий маҳорат мактабига, ҳозирги замон проблемаларига ўткир зеҳн билан ёндашиш мактабига айланди, деб таъкидлашди улар. Бу мактаб профессионал кўникмаларни ҳосил қилиш билан бирга, ранг-баранг адабиёт дунёсидаги мавқени — замон билан баравар қадам ташлашга, китобхонларнинг юксак талаблари даражасида бўлишга, ўқувчиларда ватанпарварлик, коммунизм юксак идеалларига садоқат туйғуларини тарбиялашга даъват этилган партиявий ёзувчи мавқеини аниқ белгилаб олишга ёрдам беради. (ЎзТАГ).

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ,

СССР Давлат мукофоти лауреати

БУНЁДКОР ХАЛҚҚА ТАЪЗИМ

Гўзал ва хушманзара Тошкент халқаро анжуманлар, кинофестивалларга айланиб қолди. Дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган таниқли адиблар-у жамоат арбоблари, кино юлдузлари Тошкент дунё халқлари ўртасидаги қардошлик ва дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини чуқур ҳис қилади. Мана, ҳозир қўшни Ўзбекистонда СССР Ёзувчилар союзининг органи — ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Новий мир» журналининг кунлари зўр муваффақият билан ўтмоқда.

Биз — шоир ва ёзувчиларни бир нарса беҳад қувонтирди: «Новий мир» журнали кунлари пушкинхонлик кунлари — Пушкин шеърияти байрамининг давомига айланиб кетди. Бундан сал илгари эса, бу ерда уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали катта муваффақият билан ўтганди. Тошкентда ва республиканинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган ана шу маданий тадбирларда республика Совет ҳокимияти йилларида маданий қурилиш соҳасида эришган ютуқлар янада яққол намоён бўлмоқда.

Мен шоир бўлганлигим учун ҳам Ўзбекистоннинг халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашишига, мамлакат иқтисодий қудратини юксалтириш ишига қўшаётган ҳиссаси билан Ўзбекистон заминида вояга етган Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби шоир ва алломаларнинг жаҳон тафаккури хазинасига қўшган беназир ҳиссасини таъкидлашни истардим. Бу ерда Шарқ шеъриятининг энг ноёб намуналари яратилганлиги учун ҳам биз шоир ва ёзувчилар доим ана шу юртга тез-тез келишни, унинг меҳнаткаш пахтакорлари, олим-у фозилларидан бирини учрашишни, адабиёт аҳлларидан яратган асарларини ўқишни жуда севамиз. Чунки бу ерда ўзбек халқи пахтани қанчалик қадрлаб, ўз юртларини шарафласалар, шеъриятни ҳам шунчалик теран ҳис этишади, унинг тафаккур хазинасига қўшаётган буюк ҳиссасини яхши англашади. Бундай шеърият мухлиси билан учрашиш, унга ўз ижодинг ҳақида сўзлаб бериш, янги асарларингни ўқиш доимо ҳаяжонли ва иштиёқлидир.

Биз «Новий мир» журнали кунлари қатнашчилари Тошкентдаги қўнғироқ жойларда бўлиб ўтган учрашувларда иштирок этдик. Республиканинг диққатга сазовор жойлари билан танишаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси бизда катта таассурот қолдирмоқда. Журнал кунлари бошланган куннинг эртасига москвалик меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Бу ерда бизга КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўрток Шароф Рашидович Рашидов республика иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида эришган ютуқлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Биз Ўзбекистон Ёзувчилар союзида республиканинг таниқли адабиёт аҳллари билан учрашдик. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент метрополитенида бўлдик. Бу учрашувлар журнал ходимлари ва муаллифлари учун голт унутилмас бўлиб қолади.

Тошкентдаги Билимлар уйида ижодий кеча бўлиб ўтди. Бу ерда мен ўз мухлисларим билан, ҳақиқий поэзия иштиёқмандлари билан учрашишга муяссар бўлдим. Бу учрашувни шоирнинг ўз ўқувчилари олдида ҳисоботи, десам ҳам бўлади. Чунки мен ўз ўқувчиларим билан учрашганда доим ҳаяжонланаман, тўлқинланаман. Уларнинг ҳар хил саволларига жавоб бериш, янги шеърлар ўқиб бериш албатта ҳар бир шоир учун катта бир бахт. Тошкентдаги учрашувлар ҳам менда ана шундай катта таассурот қолдирмоқда.

Маълумки, мен Тошкентда табиий офат юз берган кунларда бу ерда бўлиб, зилзила етказган оғир жароҳатларни, одамларнинг табиий офатга қарши кўрсатган қаҳрамонликларини ўз кўзим билан кўргандим. Янги Тошкентнинг архитектураси тўғрисида меъморлар билан суҳбатлашган эдим. Кейинчалик ана шу таассуротларим асосида шеър ҳам тугилганди. Зилзиладан кейин биринчи бор бу ерда бўлишим. Тошкентнинг нечоғлик таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги, янада гўзаллашиб қолганлиги мени жуда қувонтирди. Айниқса, бу ерда нодир Шарқ меъморчилиги анъаналари замонавий меъморчилик услубларига уйғун равишда ривожлантирилганлиги, янги архитектура комплексларида анъанавий меъморчилик услублари муваффақиятли қўлланганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу услуб. Тошкентнинг ўзига хос қиёфасини яратишга ана шу ижодий ёндашиш туфайли Тошкентнинг такрорланмас қиёфадаги ўзига хос жамоли вужудга келган. Бу биз шоир ва ёзувчиларни ҳам илҳомлантиради. Мен ана шу ўринда янги Тошкент бунёдкорларига тащаккур айтим келади. Улар катта меҳнат эвазига юксак «оқ олтин» хирмонлари бунёд этаётган пахтакор меҳнатига арзигулик ижодий ютуқларни қўлга киритганлиги табриклашга арзийди. Мен бундан буён ҳам Тошкентнинг янада ёшариб, гўзаллашишини, жаҳоннинг турли бурчакларидан дўстлик риштаси туфайли ташриф буюраётган ёр-дўстларни қайноқ меҳр билан кутиб олишига аминман.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

КПСС XXVI съезданинг тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш, кенг кўламда профилактика тадбирларини ўтказиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа талабларини бажариш аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон билан таъминлашни ташкил этиш даражасига ҳам боғлиқ. Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, республикамизда дорихоналар ишини йўлга қўйишда муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон фармацевтларининг иккинчи съездида шу соҳада қилинган ишларга ялпи ясалди, аҳолига миллий хизмат кўрсатишнинг янги марралари белгилаб олинади.

Бугуни кунда хўжалик ҳисобида ишловчи 1600 га яқин дорихона, 24 санитария ва гигиена магазини, қариб 3300 аптека пунктлари ва 400 дан ортиқ макана савдо тоҳчкалари аҳолига хизмат қилмоқда. Шифохоналар қошидаги дорихоналар, шунингдек касалхоналараро дорихоналарнинг ҳамма иш кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Республикамиздаги дорихона муассасаларида олти ярим мингдан ортиқ мутахассис, шу жўмладан 3270 нафар махсус олий маълумотли мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Биринчи съездан буён ўтган етти йил мобайнида дорихоналар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, аҳолини ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон ҳамда медицина маҳсулотлари билан таъминлашда катта ютуқларга эришилди. Шу хил хизмат кўрсатишни бошқаришнинг ташкилий форма ва структураси анча такомиллаштирилди. Ўтган давр мобайнида хўжалик ҳисобида ишлайдиган 322 дорихона, шу жумладан қишлоқларда 193 дорихона очилди. Улар энг янги технология анжомлари, мебель ва аппаратлар, кичик механизация воситалари, малакали кадрлар билан таъминланганки, бу ҳол уларда аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксак даражага кўтариш имконини беради. Кейинги йилларнинг ўзида Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд, Жиззах ва Бухоро шаҳарларида уч қаватли ажойиб дорихоналар ишга туширилди.

Қишлоқларда шу ишни муассасалар қуришда колхоз ва совхозлар катта ёрдам бермоқдалар. Шуниси ҳам борки, кейинги пайтда қишлоқ дорихоналари асосан типовой лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси жонажон партиямизнинг қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами кўрсатиш ва уларни дори-дармонлар билан таъминлаш даражасини шаҳардаги даражага етказиш тўғрисидаги кўрсатмаларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун асос бўлади.

Улуғвор режаларни амалга ошираётган республикамиз меҳнат аҳли, ўқувчи ёшлар ва навқирон авлодни дори-дармон билан таъминлашни янада яхшилашда дорихоналар билан медицина муассасалари барча бўғинлари ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатни мустаҳкамлашнинг аҳамияти катта. Фармацевтлар шифокорлар билан ҳамкорликда дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни планлаштириш, дори-дармонларнинг оқилона тақсимланиши ва фойдаланишини таъминлаш каби муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Информация хизматини яхшилаш, врачлар билан доришунослар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида дорихоналар бошқармалари соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда йирик даволаш-профилактика муассасаларида фармацевтика информацияси кабинетларини барпо этмоқдалар. Ҳозирги кунда бундай кабинетлар сони тўқсондан ошди. Уларда шифокорлар дорихоналардаги мавжуд дори-дармонлардан хабардор қилиб борилади, дори-дармон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳақида ўз вақтида ахборот бериб турилади. Ана шунинг самараси ўлароқ кейинги етти йил мобайнида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 300 дан ортиқ янги дори-дармонлар медицина амалиётига жорий этилди.

Республикамизнинг дорихона ва даволаш-профилактика муассасаларига дори-дармонлар етказиб бериш анча кўпайди. Бошқарти 1975 йилда 83,6 миллион сўмлик дори-дармон ва медицина маҳсулотлари сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 148,7 миллион сўмни ташкил этди. Беш йил муқаддам бир қанча харидорлигі дори-дармонлар, айтайлик юрак-қон томир хасталикларини даволашда ишлатиладиган дорилар, витаминлар, антибиотиклар нархи пасайтирилди. Шу ўринда ҳеч бир мамлакатда дори-дармон биздагидек арзон эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Касалликнинг олдини олиш, даволаш ва диагностика ишларида врач ихтиёрига ҳавола этилаётган дори-дармонларнинг тури йил сайин кўпайиб бормоқда. Эндиликда Ўзбекистон шифокорлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, шунингдек чет эллардан келтирилган қариб 3 минг номдаги дори-дармонлардан истаганларини танлаб, шифо чораларини кўриш учун тавсия этадилар.

Дорихоналарда хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқлар йил сайин кўпайиб бораётган экан, бунда ҳеч шубҳасиз, фармацевтика илми ҳам тобора юксалаётганлигининг таъсири бор. Тошкент фармацевтика институти бугунги кунда Совет Шарқининг малакали илмий кадрлар ва амалиётчи фармацевтлар тайёрловчи йирик ўчоғига айланган. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда 7200 га яқин провизор тайёрланди. Институт қошидаги доришунослар малакасини ошириш факультетида мутахассислар қайта тайёргарликдан ўтадилар. Институтда ёш мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Биринчи съездан буён ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш системаси ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига 83 илмий ечим жорий этилганлигини айтиш кифоя.

Ютуқлар билан бир қаторда ҳал этилиши зарур бўлган бир қанча масалалар борки, улар съездда муҳокама этилиб, тегишли йўл-йўриқлар белгилаб олинади. Съезд аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашни янада яхшилаш, дорихоналар хизмати маданиятини, фармацевтика илми самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларини белгилаб олади. Фан билан практика ўртасидаги, олимлар билан амалиётчилар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республикамизда бутун соғлиқни сақлаш ишини, шу жумладан дорихоналар ишини янада юксак даражага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ВЕЛОПОЙГА:

МУХЛИСЛАР ҚУВОНЧИ

Халқаро классдаги спорт мастери, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони тошкентлик Сергей Воронин мухлисларни яна қувонтирди. У ўтган йили Италия йўллари бўйлаб ўтказилган кўп кунлик халқаро пойгада муваффақиат қозонган эди. Мохир велосипедчимиз бу йил ҳам Италиянинг Джиро д' Абруццо йўли бўйлаб ўтказилган халқаро пойгада астойдил ҳаракат қилиб, ғалаба қозонди. Мусобақада совет пойгачилари команда ҳисобида биринчи бўлишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ:

ҲАФТАДА ЎН ТЎРТ УЧРАШУВ

Яна икки кундан кейин Испания шаҳарларида жаҳон чемпионати бошланади. 24 команда ўртасида жами 52 та учрашув ўтказилади. «Чарм тўп» усталарининг 41 учрашувини Марказий телевиденне орқали олиб кўрсатиш мўлжалланмоқда. Агар кучлиларни саралаш учун ўтказиладиган дастлабки боскичда 36 ўйин бўлса, шундан 25 тасини телевизор экрани ёнида кўришга имкон яратилади. Ҳал қилувчи боскич, яъни чемпионни аниқлаш учун ўтказилувчи 16 учрашувнинг ҳаммаси ҳақида тўлиқ репортаж бериб борилади. Шундай қилиб, Марказий телевидение «Восток» программаси томошабинлар учун чемпионат ўйинлари жуда кеч тугашини ҳисобга олиб, аксарият ўйинларни ёзиб олинган ҳолда эртасига намойиш этишни режалаштирди. Чемпионатнинг тантанали очилиши ва Аргентина — Бельгия ўртасидаги биринчи учрашув ҳам бир кун кейин кўрсатилади. Зеро, ишкибозлар кейинги ҳафтага мўлжелланган 14 учрашувдан 6 тасини бевосита Испаниядан олиб берилган ҳолда томоша қиладилар. Қуйида Марказий телевидение орқали олиб бериладиган дастлабки репортажлар программасини маълум қиламиз:

1. I 14.VI Аргентина — Бельгия 10.15 (19.40) В. Маслаченко.
2. II 14.VI Италия — Польша 22.15 Г. Саркисьянц.
3. II 15.VI Италия — Польша 11.15 (Т) Г. Саркисьянц.
4. I 15.VI СССР — Бразилия 9.40 (19.55) Н. Озеров.
5. I 16.VI Шотландия — Я. Зеландия 9.40 (19.15) Н. Озеров.
6. I 16.VI Англия — Франция 22.15 В. Перетурин.
7. I 17.VI Англия — Франция 9.40 (Т) В. Перетурин
8. I 17.VI ГФР — Жазоир 11.15 (18.30) В. Маслаченко.
9. I 17.VI ЧССР — Кувайт 22.15 В. Маслаченко.
10. I 18.VI ЧССР — Кувайт 9.40 (Т) В. Маслаченко.
11. I 18.VI Югославия—Ш. Ирландия 18.30 В. Перетурин.
12. I 18.VI Италия — Перу 22.15 Г. Саркисьянц.
13. I 19.VI Италия — Перу (2) 9.40 (Т) Г. Саркисьянц
14. I 19.VI Бразилия — Шотландия 10.30 Н. Озеров
15. I 19.VI Аргентина — Венгрия 13.15 К. Махарадзе
16. I 19.VI Польша — Камерун 22.15 Г. Саркисьянц.
17. I 20.VI Польша — Камерун (2) 9.40 (Т) Г. Саркисьянц.
18. I 20.VI СССР — Я. Зеландия 14.45 Н. Озеров
19. I 20.VI Англия — ЧССР 22.15 В. Маслаченко.

Эслатма: ўйинлар тартиби (чапдан) телевизион канал, кунлар, учрашувлар, маҳаллий вақт, шаҳровчи. Учрашувдан кейинги рақам ўйиннинг иккинчи қисми эканини, вақтдан кейин қавсга олинган рақам ва «Т» ҳарфи репортажининг такрорий эканини билдиради. Бевосита олиб кўрсатиладиган репортажлар қора ёзувларда берилган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
М. И. КАЛИНИН НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1982 — 83 ўқув йили учун даволаш ва педиатрия мутахассислиги бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институтга ўрта мактаб ёки махсус ўрта билим юртини тугатган 35 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Махсус ўрта маълумотли кишилар ихтисослари бўйича 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари лозим.

Ўқишга кирувчилар ректор номига ёзилган ариза қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки диплом (асли), ўқиш (мактаб маъмурияти тасдиқлаган) ёки иш жойидан (ишлаб чиқариш раҳбари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилоти тасдиқлаган) характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона, муассаса раҳбари тасдиқлаган),

Паспорт, ҳарбий билет (ёки гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**

Институтга кирувчилар — физика (ёзма), **химия** (оғзаки), **биология** (оғзаки), **рус тилидан** (ёзма), **имтиҳон топширадилар.** Ўрта мактабни миллий тилда тугатганлар СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мактаблар учун тасдиқлаган программада рус тилидан диктант ёзадилар, рус тилида тугатганлар иншо ёзадилар.

Ўрта мактабни олтин медаль билан ёки ўрта махсус билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар (институтга йўлланма олганлар) **физикадан** (ёзма) **имтиҳон топширади.**

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Институтда ўқиш муддати 6 йил.

Институт адреси: 710007, Андижон шаҳри, Навоий проспекти, 134-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
4-БЕКОБОД ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1982—1983 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сигирларни боқиш ва парвариш қилиш билан шуғулланувчи сутчилик фермаларининг операторлари, чорвачилик фермалари учун механизаторлар ва электромонтёрлар, сут соғиш машиналари бўйича мастерлар ва моллари парвариш қилиш бўйича операторлар, чорвачилик фермаларида озуқа тайёрлаш ва тарқатиш бўйича операторлар, кичик ветеринар фельдшерлар, слесарь-сантехниклар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар, ошпазлар, дурадгорлар, савдо ходимлари, электрон-ҳисоблаш машиналари операторлари.

Ўқиш муддати 3 йил.

Бу курсларга 8 синфни битирганлар қабул қилинади.

Чорвачилик механизаторлари ва кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар группаларининг ўқувчилари қўшимча III классли шофер гувоҳномасини ҳам оладилар.

Ўқишга қабул қилинганлар 10 — 20 сўм стипендия, ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар.

Билим юрти ўқувчилари 21 ёшгача Совет Армияси сафига чақирилмайдилар. Тамомловчилар касб-ҳунар гувоҳномаси билан биргаликда ўрта маълумот ва ҳунартехника билим юртини тугатганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлар берилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

10-синфни тугатганлар ўқиш муддати 1 йил бўлган қуйидаги группаларга ҳам қабул қилинадилар: сут соғиш машиналари бўйича мастерлар, III классли тракторчи-машинистлар, III-классли шоферлар ва автослесарлар, ўрмон хўжалиги механизаторлари, ўрмоншунослар, кичик ветеринар фельдшерлар, секретарь-машинисткалар, (қизлар учун), пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ва насос қурилмаларининг машинистлари (ўқиш муддати — 6 ой).

Ўқишга қабул қилинганлар 10 — 20 сўм стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафидан қайтган, 10-синфни тугатган ва автомобиль ёки трактор курсларини битирганликлари ҳақида гувоҳномаси бўлган ёшлар III классли тракторчи-машинист, чорвачилик фермалари механизаторлари, ўрмончилик механизатори группаларидан бирига кириб ўқиса 85 сўм стипендия берилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар 25 августгача қабул қилинади.

Билим юртига кирувчилар: директор номига ариза, туғилганлиги ва маълумоти ҳақидаги гувоҳномаларнинг асл нусхасини, медицина справкаси (286-форма) ва 6 та 3х4 см. ҳажмли фотосурат топширадилар.

Билим юрти адреси: Тошкент области, Бекобод шаҳри, Киров посёлкаси, ССПТУ — 412-автобуснинг «Билим юрти» бекати).

УРГАНЧ ШАҲРИДА
область матлубот союзининг биносида
(Ленин кўчаси, 1-уй)
17—18 ИЮНЬ КУНЛАРИ
ортиқча халқ истеъмоли товарларини улгуржи сотиш
РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ
Улгуржи ва чакана давлат кооператив савдоси ташкилотларининг, шунингдек ортиқча халқ истеъмоли товарлари бўлган бошқа ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади.
Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.
«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ».
«ЎЗТОРГПОСРЕД-КОНТОРА».

ҲАМЗА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ
21—22 ИЮНЬ СОАТ 11.00 ДА
«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ» ЎТКАЗАДИ
Болалар музика мактабининг битирувчилари ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари таклиф қилинади.
Программада билим юртининг тарихи, унинг анъаналари, бадиий коллективлари ва ўқув кабинетлари билан танишиш кўзда тутилган.
Адрес: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 35-уй (5, 17-троллейбуслар, 4, 13-трамвайларнинг «Жуковский кўчаси» бекати). Телефон 33-93-57.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗУЧЕТИЗДАТ» ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ
бланкаларни (этикеткалар), справка ва ҳоказоларни тайёрлаб бериш
ИМКОНИЯТИГА ЭГА
Бланкалар томонларидан бирининг размери 10 сантиметрдан ошмаслиги керак.
Бланкаларнинг ўртача тайёрлаб берилиш тиражи 100.000 нусха.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 222-уй.

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети коллективи кино ишлаб чиқариш бошқармасининг катта редактори А. С. Мухторовга онаси
Ойша МУХТОРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг республика радиоси коллективи «Сўнгги ахборот» бош редакциясининг редактори М. Ганиевага отаси
Ғани САЙДАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Кум тепаликларидаги узундан-узоқ йўл. 6-7-серия-лар. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Рус тили. 16.05 — Экономика тежамли бўлиши керак. 16.20 — Болалар учун фильм. 17.25 — Москва комсомолининг ишлари. 17.55 — Концерт. 18.35 — Мунозара клуби. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қозоғистоннинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 250 йиллигига бағишланган Қозоғистон ССР телевиденнесининг программаси. 21.30 — Время. 22.15 — Анюта. Фильм-балет. 23.25 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Жаҳон халқларининг ижоди. 10.35 — Инглиз тили. 11.05 — Романслар. 11.35 — Шахмат мактаби. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.10 — Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. 14.00 — Бурун. Бадиий фильм. 15.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 Концерт. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Икки овоз учун куй. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Дилдан қўйлаб, ўйна қувнаб. 12.30 — Иван Макарович. Бадиий фильм. 13.50 — Телефильм. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Халқ суллари ва халқ маслаҳатчилари сайловлари олдидан. 18.20 Концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди. 21.20 — «Мухтор Ашрафий». Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 — Ижод саҳифалари. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Она тили. 18.45 — Болалар учун фильм. 19.15 — Тошкент тўқимачилик комбинати. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Осиёсанг баланд дорга осил. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Пахта экиладиган районларда Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш йўллари. 11.25 — Классик шоирларнинг газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 12.10 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка! 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Тараррук замин. 17.00 — К. Комилов. Менинг муҳаббатим. Вокал сюита. 19.25 — Ёшлик. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, бўлими — 33-81-42; 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66 навбатчиси — 33-90-50.

ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — Ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-09; ишлаб чиқариш — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар 32-53-07; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро

Р. 02018. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 136. 17